

O'zbekiston Respublikasi
Toshkent shaxri
Mas'uliyati cheklangan
jamiyat shaklidagi
ABS FINANS AUDIT
auditorlik tashkiloti



Республика Узбекистан
город Ташкент
Общество с ограниченной
ответственностью
ABS FINANS AUDIT
Аудиторская организация

Toshkent shaxri, M. Ulugbek tumani, Mustaqillik ko'chasi
42 uy, h/r 20208000604318185001 AKB "Agrobank", MFO 00394
INN 204943384, OKED 69202, Tel.: +99871 267-36-41,
+99890 325-92-61

Город Ташкент, М. Улугбекский район, улица Мустакиллик
дом 42, р/с 20208000604318185001 АKB "Агробанк,
МФО 00394, ИНН 204943384, ОКЭД 69202, Тел.: +99871 267-36-41
+99890 325-92-61

№ 154/4-25
30.05.2025 йил

“ ORGRES” АЖ
Бошқарув раисига

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: «ORGRES» Акциядорлик жамияти.

Жамият манзили: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқумий кўчаси 190 уй.
STIR: 200 797 522, IFUT kodi 43 210 (Электротехника ва монтаж ишлари) коди асосида фаолият
юритади. Ҳисоб рақами: 2020 8000 1001 0222 7001.

Банк: АТ“IPAK YULI BANK”нинг Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек филиали, банк коди: 00421.

Аудиторлик ташкилоти: “ABS FINANS AUDIT” Масъулияти чекланган жамияти.

Жамият манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси 42 уй.

Банк ҳисоб рақами: 2020 8000 АТБ “Агробанк”нинг Бош офиси. МФО: 00394.

СТИР: 204 943 384, IFUT kodi: 69202 – аудиторлик хизматлари.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун тўғрисидаги 00805-сонли лицензияси бўйича “барча
хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви” ўтказиш ҳуқуқи берилган.

«IMKON-SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси томонидан 27.01.2025 йилдаги №12-057/0003811
шартномага асосан Seriyasi:EISD №0020643 рақамли аудиторлик ташкилотининг жавобгарлигини
суғурталаш полиси берилган.

Раҳбар: - Саъдуллаев Абдиманон Бобакуловичга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
томонидан 22.10.2014 йилда берилган № 04758 сонли аудитор малака сертификати эга.

Аудитор: - Саъдуллаев Абдиманон Бобакуловичга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
томонидан 22.10.2014 йилда берилган № 04758 сонли аудитор малака сертификати эга.

Фикр

Биз, «ORGRES» Акциядорлик жамиятининг 01.01.2024 йилдан 2024 йил 31 декабр ҳолатига қадар
бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва
зарарлар тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва
бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини
ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «ORGRES» Акциядорлик жамиятининг 01.01.2024 йилдан
2024 йил 31 декабрга қадар бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, фойда ва зарарлар тўғрисида
ҳисоботи кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг барча муҳим жиҳатларда Молиявий
ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур
беради).

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу
стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви
бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар
учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ”
Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли [қарор номи]га,

ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Бошқа маълумотлар

Мустақил ҳамкор корхоналар (жамиятлар) томони молиявий маълумотлари (электрон ҳужжат айланиш тизими воситасида) фикр билдиришимизга тасдиқловчи етарли далилларни шакллантирди.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Аудит келишуви шартларида тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарлиги тавсифи АХС 210 га мувофиқ акс эттирилган. Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲХСга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона (жамият) фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона (жамият) фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Корхона (жамият) бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Биз Корхона (Жамият) бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз. Биз шунингдек Корхона бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корхона (Жамият) бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб таҳмин қилиш мумкин.

Бошқа қонун ва тартибларга мувофиқ ҳисобот

Аудит молиявий ҳисоботни текширди ва шартнома предметидан ташқари бўлимларга (молиявий алоқаларга) ҳамда маҳсус текширувларига ушбу ҳулоса таъсир қилмаслигини билдирди.

“ABS FINANS AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Аудитор:



Саъдуллаев А.Б

Саъдуллаев А.Б